

Mardlar qo'riqlaydi Vatanni

GVARDIYA

IJTIMOIIY-HUQUQIIY VA MA'RIFIY GAZETA

№ 24 (234)
13-iyun
2025-yil



БУ ДИЁР – ТАРИХИЙ ҒАЛАБАЛАР МАСКАНИ

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОФАЙЛИНГ УСУЛИ САМАРАДОРЛИГИ

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ЎРНАТИШ ВА САҚЛАШДАН МАҚСАД ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ НОРМАЛ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖАМОАТ АХЛОҚИНИ ТАРТИБГА СОЛГАН ҲОЛДА, ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ВА ДАМ ОЛИШИ, УЛАРНИНГ ШАЪНИ, ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШДИР.

2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонунда “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус туридир”, дея

эътироф этилган. Мазкур қонунда Миллий гвардия органларига яна: ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш; жамоат тартибини сақлаш, хусусан, оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намоишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш; фавқулодда ҳолат, алоҳида давр ва террорчиликка қарши операцияларни ўтказиш шароитларида ҳуқуқий режимни таъминлаш; қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этилиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси жамоат тартибини сақлашда бевосита иштирок этувчи орган ҳисобланади. Ушбу қонун талабининг масъулияти, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари компетенциясига юклатилган асосий вазифа жамоат тартибини сақлашда

профайлингдан кенг қўламда профессионал тарзда фойдаланишга ундайди.

Юқорида келтирган фикрларни қуйидагича асослаш мумкин: Жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Шу билан бирга инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим. У асосан инсонлар кўп тўпланадиган жамоат жойларида (Бозорлар, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар, автошоҳбекатлар, оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида, футбол ва ҳар хил спорт мусобақалари, концертлар, байрамлар, ярмаркалар, ҳозирги кунда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ва ҳ.к) амалга оширилади.

Давоми 2 саҳифада »

УШБУ СОНДА:



Жамоат хавфсизлигида
минтақавий ҳамкорлик



Кўл жангида
Ўзбекистон тенгсиз



“АМИРУ МАСЪУМ” НИНГ
КАТТА ЎҒИ



Ушбу жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, шу жумладан, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳам жалб қилинмоқда. Мисол учун, футбол ва ҳар хил спорт мусобақалари, концертлар, байрамларда жамоат тартибини сақлашда ушбу тадбирга келувчи фуқароларни синчиклаб, белгиланган қўлланма асосида текшириш маълум бир вақтни талаб этади. Бу эса меҳмонлар оқимини ҳаракатини секинлаштиради ҳамда фуқароларга кўтаринки кайфият улашиш учун ташкиллаштирилган тадбир

» Бошланиши 1-саҳифада



ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОФАЙЛИНГ УСУЛИ САМАРАДОРЛИГИ

бошланмасдан, фуқароларда агрессив ҳулқ-атворнинг пайдо бўлишига замин яратади.

“Профайлинг ёки профайл методи - шахсларни психологик баҳолаш, кузатиш, уларнинг ҳулқ-атворидаги ўзгаришларни ташқи ифода ва хатти-ҳаракатлар асосида таҳлил қилиш каби бир неча психологик усуллардан фойдаланган ҳолда олдиндан башорат қилиш имконини берадиган шахс профилини яратиш усулидир”. Мазкур фикрларга қўшилиш мумкин, лекин хавфсизлик соҳаси давлат тараққий этган сари асосий ўринга чиқиб “профайлинг” йўналишида илмий ва амалий изланишлар ортиб бораётганлиги сабабли Н.В.Чаленко берган таърифга кўра, “Профайлинг ёки профайл-методи — кузатиш ва махсус сўров усули ёрдамида хавф туғдириши мумкин бўлган, ноадекват хатти-ҳаракатга мойил шахсларни аниқлашга қаратилган махсус тадбирлар тизими” ҳисобланади. Бу биринчи таърифни янада тўлдиради.

Шу каби тадбирлар жамоат хавфсизлигини сақлашга сафарбар қилинган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларида шахс психологияси, ташқи диагностика (визуалдиагностика) ва физиологиясига нисбатан билимларини бойитиб профайлинг методи ёрдамида ташкиллаштирилса, ҳарбий хизматчилар фуқароларни диққат билан кузатиб бориши ва уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаши, шубҳали ҳаракатлари, белгилари кўзга ташланган шахсларни потенциал хавфли тоифага таснифлаш кўникмасини шакллантиради. Фақатгина шубҳали шахслар улар томонидан тўхтатилади ҳамда ушбу ҳолат бошқалар учун профилактика вазифасини бажаради.

Кўп ҳолларда профайлинг методи хавф туғдириши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида фуқароларни кўздан кечириш вақтида қўлланилади.

Жамоат тартибини сақлашда профайлинг методидан кенг фойдаланилган ҳолда потенциал хавфли тоифага кирувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан башоратлашда, психология, шахс типологияси, ёлғонни аниқлаш, инсон ҳулқ-атвори физиологияси ва физиогномикаси алоҳида ўрин тутаяди. Бунда шахсларни тўрт гуруҳга бўлиб олиш мумкин. Хусусан, “хавфли бўлмаган фуқаро” жамоат жойига маънавий маданий хордиқ чиқариш учун оиласи билан ёки яқин инсони билан келган фуқаро. “Ўрта хавфли бўлган фуқаро” жамоат жойига дўстлари ёки тенгқурлари билан келган фуқаро ва ҳомиладор аёллар. Баъзан ўзини ўлдиришга тайёрланган террорчи аёллар атрофдагиларда камроқ шубҳа ўйғотиш учун ҳомиладорлик қиёфасидан яхши ниқоб сифатида фойдаланадилар. “Юқори хавф” 15-35 ёш оралиғидаги эркаклардан иборат дўстлар жамоаси спортчилар услубида кийинган узук ва бўйнига занжир тақиб алоҳида имижга эга бўлган, соқол қўйган якка ёки тўда шахслар. Хижобли ёки паранжи сифат кийимларда ташриф буюрувчи аёллар. Хавфсизлик режимини синчиклаб ёки зимдан нигоҳи билан кузатувчи шахслар. “Ўта юқори хавф” гуруҳига кирувчи фуқаролар спиртли ичимлик ичган ёки гиёҳванд, психотроп моддаларни қабул қилган шахслар ҳисобланади.

Умуман олганда, жамоат тартиби аксар ҳолларда гавжум ва омма тўпланадиган жойларда олиб борилади. Бунда омма психологияси ва оммавий профиллаш билимлари, миллий гвардия ҳарбий хизматчиси компетентлигининг қай даражада ривожланганига асосланади. Оммавий профайлинг — бу оломон ичида террористик ҳаракатни содир этиш ниятида

бўлган бузғунчи фикрли одамларни аниқлаш демак. Муваффақиятли аксилтеррор фаолият учун оммавий профиллаш технологияси қўлланилади. Унда қуйидаги жараёнлар кетма-кетлик билан амалга оширилади: 1) Кузатиш объекти омма орасидан ажратиб олинади. 2) Объектнинг визуал ҳулқ-атвори профили тузилади. 3) Объектнинг ноадекват руҳий ҳолатининг тавсифи тузилади. 4) Объектнинг ноадекват хатти-ҳаракатлари тавсифи тузилади. 5) Ноадекват объект идентификациядан ўтиши ва тўлиқроқ текширилиши зарур. Бу профиллаш жараёнининг мумкин жихатидир.

Профиллашнинг асосий усули — бу визуал кузатиш. Қўшимча усул — ҳужжатларни текшириш ёки текшириш вақтида суҳбат, сўров жараёни орқали профиллашнинг асосий вазифаси жинойи ниятга эга бўлган шахсларни аниқлашдир.

Оммавий тадбирлар ўтказилаётган ҳудудда юқорида кўрсатилган шахслар назорат ўтказиш жойларида тўхтатилади, суҳбатлашади, ҳужжатлари текширилиши билан бир вақтда сўров ўтказилади, шахсий буюмлари ва юклари текширилади. Бундай ҳолда, текшириш ҳам қўлда, ҳам махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши орқали тадбирнинг хавфсиз ўтиши таъминланади. Ушбу усул орқали тадбирнинг хавфсизлик профилактикаси ҳам амалга оширилади. Бунда кейинги ҳарбий хизматчи назорат ўтказиш жойидан кириб келаётган шахсларни доимий кузатиб бориши ва текширилаётган шахсга кириб келувчиларнинг эътиборини кузатиши шарт. Агар назорат ўтиш жойидан кириб келаётган шахс текширилаётган шахсни кузатиш жараёнида хавотирланиш реакциясини билдирса, ушбу шахсни ҳам

хавфли гуруҳга киритиш керак.

Кузатиш билан бир қаторда, хавф туғдирувчи шахс профилини яратишда қўлланиладиган энг муҳим усул шубҳали белгиларни, хавотирланиш реакциясини кўрсатадиган потенциал хавфли шахс билан суҳбатдир. Суҳбат юзага келган шубҳани бартараф этиш, уни тасдиқлаш ёки рад этиш мақсадида амалга оширилади ва суҳбат жараёнига қуйидаги вазифалар қўйилади: 1) потенциал таҳдидни аниқлаш нуқтаи назаридан шахснинг муҳим вербал ва невербал алоқа жараёнига эътибор қаратиш; 2) алоқа жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган эмоционал ҳолатларга эътиборни қаратиш, қўшимча шубҳали белгиларни аниқлаш. Агарда юқоридаги ҳолатларда шахснинг эмоционал ҳолати ўзгармаса, бундай шахслар “хавфли бўлмаган фуқаро” профилига мос келади.

Шубҳали белгилар аниқланган тақдирда ҳарбий хизматчи шубҳали фуқаро билан бевосита алоқага киришиши ва у билан суҳбат аста-секин сўров шаклига ўтиши керак. Миллий гвардия ҳарбий хизматчисига пайдо бўлган биринчи таассурот орқали шахсни профиллашда сўровни оддийдан мураккабликка қараб олиб бориши керак. Сўров саволлари: тадбирга ташрифдан мақсад, жойлашмоқчи бўлган сектор ёки трибуна, етиб олиш маршрути, кимлар билан келганлиги, тадбир бўйича бирламчи маълумотга эга эканлиги ва шунга ўхшаш саволларга йўналтирилади.

Сўров давомида ходим берилган саволларга қаршисидаги шахснинг жавоб бериш жараёнига бўлган муносабатни кузатади, респондентнинг хатти-ҳаракатларидаги белгиларини назорат қилади ва баҳолайди. Шу билан бирга, физиологик

ва ҳиссий ҳолатининг белгиларига, шунингдек, унинг самимийлиги ва носамимийлигига алоҳида эътибор қаратади, уларнинг мавжудлиги сўров давомида олинган маълумотларни баҳолашга таъсир қилиши мумкин. Вазиятга ноўрин жавоблар ва ноўрин реакциялар, шунингдек, ёлғон аломатлари шубҳаларни кучайтиради.

Оммавий тадбирларда ноадекват кузатиш объектига нисбатан идентификатор белгиларини аниқлаш ва тизимлаштириш қоидабузарларнинг профилларини ва уларнинг моделларини яратишга имкон беради, уларнинг ёрдамида шубҳали шахсларни аниқлаш мумкин.

Бизнингча назарий ва эмпирик тадқиқотлар Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларида ижтимоий-психологик компетенцияни ривожлантириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу тавсиялар, бир томондан ҳарбий хизматчиларда профайлерлик қобилиятини ривожлантириш учун таълим ташкилотларида профайлинг билимларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш ҳамда мотивация беришни, профиллашнинг хусусиятларини ўрганади. Ўқитувчилар ва психологларнинг тажрибаларини чет эл мактабларида ривожлантириб, профиллаш хизмати ходимларининг ижтимоий-психологик компетенциясини ривожлантириш учун соҳанинг акмеологик ривожлантирилиб борилиши уларнинг касбий тайёргарлигини оптималлаштириш, соҳага рақамли профиллаш тизимини киритиш келгусида жамият ва давлатнинг хавфсизлигига замин яратади.

Давронбек ЎРМОНОВ
тайёрлади.



БУ ДИЁР – ТАРИХИЙ ҒАЛАБАЛАР МАСКАНИ

Туркиянинг Бурса шаҳрида эркаклар ва аёллар ўртасида қўл жанги бўйича Жаҳон чемпионатида ва Грециянинг Лутраки шаҳрида Бутунжаҳон спорт ўйинларида мутлақ устунлик билан юртимизга қайтиб келган спортчилар ва уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда қайд этилгандек, бу ютуқлар, аввало, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли, оқилона ва истиқболли сиёсат, хусусан, соҳани юксалтиришга қаратилган шарт-шароитлар самарасидир. Шунингдек, сўнгги йилларда спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар санаб ўтилди.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Қўл жанги федерацияси раиси — Миллий гвардия қўмондони Р.Джураев “Қўл жанги спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да қарорнинг қабул қилиниши спортчиларни халқаро даражада тайёрлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлганини, мутлақо янги тизим яратилишига кенг эшиклар очиб берганини таъкидлади.

Жумладан, жорий йилнинг 30 май — 1 июнь кунлари Туркиянинг Бурса шаҳрида эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида 32 давлатдан 400 нафардан ортиқ қўл-жанги усталари иштирок этган чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси спортчилари 10 та олтин, 5 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни (2-ўринни Россия, 3-ўринни Қозоғистон жамоалари эгаллади) эгаллагани бунга яққол мисол бўла олади.

Қўл жанги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси томонидан Грециянинг Лутраки шаҳрида жорий йил 3 — 8 июнь кунлари бўлиб ўтган Бутунжаҳон спорт ўйинлари мусобақаларида қўлга киритилган ғалаба эса бунинг манتيқий давоми бўлди.

Унда дунёнинг 60 га яқин давлати спортчилари 28 спорт йўналиши бўйича беллашган бўлса, “Қўл жанги” мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 13 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни (2-ўринни Украина, 3-ўринни Германия терма жамоалари) эгаллади. Тадбирда ушбу ғалаба спортчиларимизнинг дунёда етакчилик қилаётганига яна бир исбот экани қайд этилди.

— Ўзбекистон Қуроли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат қўл жанги усталари ўзларининг ватанпарварлиги, интизоми, шижоати ва садоқати билан барча спортчиларга намуна бўляпти, — деди Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси раиси биринчи ўринбосари О.Умаров.

Қолаверса, ушбу жиҳатларни ёшларга сингдиришда спортчиларимиз қўмақдош эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада спорт федерациялари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр билдирди.

Шундан сўнг халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган ва фаол иштирок этган спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ҳамда федерация штаб аъзолари муносиб тақдирланди.

Тадбир якунида, мазкур тарихий ғалабаларга ҳисса қўшган спортчиларга, мураббийларга, ҳакамларга ва Қўл жанги федерацияси жамоасига яна бир бор миннатдорлик билдирилиб, бу каби ғалабалар бардавом бўлишига катта ишонч билдирилди.

Мазкур тантанали тадбирда Спорт вазири А.Икрамов, Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси раиси биринчи ўринбосари О.Умаров, Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси бош қотиби О.Қосимов, Қўл жанги федерацияси раиси — Миллий гвардия қўмондони Р.Джураев, Ички ишлар вазирининг ўринбосари Д.Назармуҳаммедов, Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари Д.Анаркулов, Президент Давлат хавфсизлиги хизмати раиси биринчи ўринбосари А.Мўминов, Мудофаа вазирининг ўринбосари Қ.Турсунов, Божхона қўмитаси раиси ўринбосари О.Чориев ҳамда бошқа соҳага оид мутасадди раҳбарлар иштирок этди.

Миллий гвардия Ахборот хизмати

Ҳафта хабарлари

ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Болгария Республикаси Президенти Румен Радев Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида қўшма декларацияни имзоладилар.

Етакчилар ҳузурида икки томонлама ҳужжатлар, жумладан, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда Тошкент ва София шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим алмашилди.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди.

Тадбирда Болгария Президенти Румен Радев, Словакия Бош вазири Роберт Фицо, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғизистон Ҳукумати раиси Адилбек Касималиев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов, Россия Ҳукумати раиси ўринбосари Александр Новак, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Нокергули Атагулиев ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо ва Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф ҳам қатнашди.

ХАЛҚИМИЗ ЯНАДА БИРЛАШДИ!

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни “Бунёдкор” стадионига ташриф буюриб, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйинини томоша қилди.

Бу оддий ўйин эмас, ўзбек футболининг катта байрами. Жаҳон чемпионати саралаш босқичининг сўнгги учрашуви. Лекин моҳир спортчиларимиз мундиал йўлланмасини муддатидан олдин нақд қилиб қўйган – Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарихда илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этади!

Бунинг футболсевар халқимиз қўп йиллар орзиқиб кутган эди. Терма жамоамиз бундан олдин етти марта саралашларда қатнашиб, мундиалга чиқа олмаганди. Ҳар доим ё тақвим, ё голлар нисбати, ё маҳорат етишмаслиги сабаб бўлиб қолаверарди.

Ҳеч қандай сабаб-баҳонага ўрин қолмаслиги учун эса футболчилар кучли бўлиши керак, пойдевор мустаҳкам бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги қарори билан 2018-2022 йилларда футболни янада ривожлантириш дастури қабул қилинган эди. Истеъдодли ёшларни танлаш, кейинчалик профессионал этиб тайёрлаш ҳамда миллий терма жамоалар захирасини яратиш мақсадида 14 та ҳудудда болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ташкил этилди. Машғулот ва мусобақаларда сифат ошди. Мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларга эътибор кучайди.





КАМОНДАН ОТИШНИ ЎРГАНАМИЗ!

Бухоро давлат педагогика институти ҳарбий таълим факультети талаблари учун Миллий гвардия Бухоро вилояти бўйича бошқармасида маҳорат дарси ташкил этилди. Миллий гвардия Бухоро вилояти бўйича бошқармаси ва Бухоро шаҳри спорт бошқармаси билан ҳамкорликда ёшларимизни спортнинг “Камондан отиш” тури билан яқиндан таништириш, уларда ушбу спортга бўлган қизиқиш янада ошди.

Ташкил этилган маҳорат дарси давомида мутахассис мураббийлар томонидан мазкур спорт тури ҳақида батафсил маълумот берилди. Ушбу спорт турининг сир-асрорлари, мўлжалга олиш, отиш тартиблари хусусида



тушунчалар берилди ва уларнинг амалий кўникмалари оширилди.

Бу каби маҳорат дарслари ёшларимиз орасида камондан отиш спорт турини кенг оммалаштиришда, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда муҳим ўрин тутди, албатта.

Миллий гвардия Ахборот хизмати



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистонда жанг санъати ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришни янги bosқичга олиб чиқиш борасида Миллий гвардия ҳомийлигида “Pekiti tirsia kali” федерациясининг шакллантирилиши ва Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши ушбу тизимни такомиллаштириш учун ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар учун ҳамкорлик имкониятларини ҳам очиб берди.

Амалга оширилган ишлар самарасида 2023 йилнинг март ойидан бери Миллий гвардиянинг Ихтисослаштирилган ўқув маркази негизида фаолият юритиб келаётган ва Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган “Pekiti tirsia kali” “РТК Бантай” (Жангчи) спорт клуби мактабида мамлакатимиз куч тузилмалари ҳарбий хизматчи ва ходимлари билан тизимли равишда тренинг ва машғулотлар ўтказиб келинаётган эди.

Мазкур жанг санъатини ривожлантириш борасида Ўзбекистонга билдирилган ишончнинг мантикий давоми сифатида илк бор Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари мутахассислари Бухоро шаҳрига таклиф қилинган ҳолда “Pekiti Tirsia Kali” жаҳон федерациясининг президенти Роммел Тортал бошчилигида навбатдаги семинар-тренинг ташкил этилди.

Мазкур семинар-тренинг жорий йилнинг 21 майдан 9 июнь кунига қадар давом этди ва машғулот якунида Миллий гвардия қўмондони, генерал-майор Р.Джураевнинг Роммел Тортал билан ишчи учрашуви бўлиб ўтди.

Унда федерациянинг ташкил қилинганлиги ва жанг санъатининг замонавий усуллари, махсус бўлинмалар учун ўзини ўзи ҳимоя қилиш техникалари ва халқаро стандартлар бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликда турли тренинг ва тажриба алмашинув тадбирларини ташкил этиш, ушбу жанг санъати бўйича халқаро мусобақалар ўтказиш ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш каби муҳим масалаларнинг истиқболли режалари муҳокама қилинди.

Миллий гвардия Ахборот хизмати

ҒОЛИБЛИК САРИ АНИҚ НИШОН!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ БОШҚАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН КАМОНДАН ОТИШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ “БОШҚАРМА БОШЛИҒИ КУБОГИ” МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ҳарбий интизом, жисмоний тайёргарлик ва аниқлик — ғолибликка элтувчи асосий омилларга айланади. Шунинг учун ҳам мусобақада иштирокчилар куч синашиб, ўз маҳоратларини намоиш этдилар.

Якунда энг пухта тайёргарликка эга спортчилар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Миллий гвардия
Ахборот хизмати



АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ – ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ҲАМДА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОКИДА ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда “Қурбон ҳайити” байрамини ўтказишда хавфсизлик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уни юқори савияда ўтказиш ва соҳада амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, Қурбон ҳайитини нишонлаш даврида барча шаҳар-туманлардаги масжидларда,

шу билан бирга, зиёратгоҳларда хавфсизлик чора-тадбирларини кўриш, фуқаролар учун етарлича шарт-шароит яратиш, ёнғинга қарши техника воситаларини яна бир бор кўрикдан ўтказиш бўйича масъулларнинг зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари томонидан видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда вилоят Миллий гвардия, ДХХ, ИИБ, ФВВ ва Солиқ бошқармалари ходимлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Миллий гвардия
Ахборот хизмати





БЕҒАРАЗ ЁРДАМ ТУЙҒУСИ

**АҲОЛИ ОРАСИДА БЕҒАРАЗ
ДОНОРЛИК ҒОЯСИНИ ТАРҒИБ
ҚИЛИШ, ИНСОНПАРВАРЛИК
ВА ҲАМДАРЛИК
ФАЗИЛАТЛАРИНИ
ЮКСАЛТИРИШ ХАЛҚИМИЗГА
ХОС ХИСЛАТ. АНА ШУ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
МАНТИҚИЙ ДАВОМИ
СИФАТИДА ФАРҒОНА**

**ВИЛОЯТИДА
МУНТАЗАМ РАВИШДА
ҚОН ТОПШИРИШ
АКЦИЯЛАРИ ТАШКИЛ
ЭТИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Шу мақсадда ташкил этилган навбатдаги хайрли тадбир — “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида ўтказилди. Унда Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси шахсий таркиби ҳам фаол иштирок



этиб, ўз ихтиёри билан донорлик қилиш орқали эҳтиёжманд беморларга, айниқса, онкологик хасталиклар билан курашаётган болажонларга ёрдам кўрсатишди.

Мазкур қон топириш акцияси вилоят қон қуйиш станцияси мутахассислари ва Қўриқлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Бундай хайрли ташаббуслар нафақат шифо кутаётган беморларга умид бағишлаш, балки жамиятда инсонпарварлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



ҚЎЛ ЖАНГИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕНГСИЗ

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 3-8 ИЮНЬ
КУНЛАРИ ГРЕЦИЯНИНГ ЛУТРАКИ
ШАҲРИДА “VIII БУТУНЖАҲОН СПОРТ
ЎЙИНЛАРИ — 2025” МУСОБАҚАСИ
БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мусобақада 60 га яқин давлатдан келган иштирокчилар 28 спорт тури бўйича ўзаро беллашдилар. Шундан 15 та давлат (Ўзбекистон, Украина, Молдова, Франция, Австрия, Германия, Швейцария, Руминия, Эрон, Озарбайжон, Италия, Чехия, Исроил, Греция, Нидерландия) жамоалари, қўл жанги спорт тури бўйича ғолиблик учун куч синашди.

Мурасасиз ва қизгин беллашувлар остида ўтган жанглارнинг якуний натижаларига кўра, Ўзбекистон қўл жанги усталари 13 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи эгаллашди.

Мазкур мусобақада иккинчи ўрин (8 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медали билан) Украина жамоасига ва учинчи ўрин (2 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медали билан) Германия жамоасига насиб қилди.

Мазкур Бутунжаҳон спорт ўйинлари мусобақаси икки йилда бир марта ўтказиладиган, нуфузи жиҳатидан Олимпиада ўйинларидан кейинги ўринда турадиган муҳим спорт тадбири ҳисобланади. 2023 йилда Италияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон спорт ўйинлари тадбирлари рўйхатига илк бора “Қўл жанги” спорт тури ҳам киритилган ва унда иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган эди.

Бу каби юқори натижалар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда барча спорт турлари қатори, қўл жанги спорт турини ҳам ривожлантиришга қаратаётган эътибори самарасидир. Шу сабаб сўнгги йилларда қўл жанги спорт тури бўйича Ўзбекистон миллий жамоаси дунёда етакчилик қилиб келмоқда.

Миллий гвардия Ахборот хизмати

АНДИЖОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ МУЗЕЙИ

**Андижон вилояти
Қўриқлаш бошқармаси
томонидан маънавий-
маърифий тадбирлар
доирасида Андижон тарихи
ва маданияти музейига саёҳат
уюштирилди.**

Бундан мақсад ходимлар орасида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, юртимизнинг бой тарихи ва маданий мероси билан яқиндан танишиш, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматни оширишдан иборат бўлди.

Саёҳат давомида ходимлар вилоятнинг кўп асрлик тарихи, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва маданий мероси ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди.

Шунингдек, музейда сақланаётган нодир

экспонатлар, тарихий ҳужжатлар ва халқ амалий санъати намуналари уларда катта таассурот қолдирди.

Бундай маънавий-маърифий тадбирлар ходимларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтириш, шу билан бирга, хизмат фаолиятида фидокорлик кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.



ТИББИЙ МАДАНИЯТГА ОНГЛИ МУНОСАБАТ

ҳаёт йўлига бағишланган таъсирли видеороликлар намойиш этилди. Бу эса тадбир иштирокчиларининг ушбу муаммога нисбатан онгли муносабатини шакллантиришга хизмат қилди.

Ушбу тадбир соҳа ходимлари ўртасида тиббий билим ва профилактик кўникмаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилиш маданиятини янада кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этди.



**Хоразм вилояти Қўриқлаш
бошқармасида ходимлар ўртасида соғлом
турмуш тарзини тарғиб этиш, ОИТС
ва ОИВ инфекцияларидан сақланиш
бўйича профилактик тадбирларни янада
кучайтиришга бағишланган давра
суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бошлиғи ўринбосари иштирок этиб, бугунги кунда жамиятда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил ахборот берди.

Давра суҳбати доирасида соҳа ходимларига ОИТС ва ОИВ каби хавфли инфекциялар ҳақида амалий тавсиялар тақдим этилди ҳамда мазкур касалликка чалинган шахсларнинг





“АМИРУ МАСЪУМ”НИНГ КАТТА ЎҒЛИ



МАНГИТЛАРДАН БЎЛГАН БУХОРО АМИРИ АМИР ХАЙДАР ИБН ШОХМУРОД 1800-1826 ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТНИ БОШҚАРАДИ. У ТАРИХДА “АМИРУ МАСЪУМ”, ЯЪНИ БЕГУНОХ АМИР, ДЕЯ УЛУҒЛАНГАН, ДАРВЕШОНА ҲАЁТ КЕЧИРГАН АМИР ШОХМУРОДНИНГ КАТТА ЎҒЛИ ЭДИ. ИЛМУ УРФОНГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРГАН, МАМЛАКАТ АҲЛИНИ САВОДЛИ ҚИЛИШГА УРИНГАН, ЎЗИ ҲАМ ҒАРИБОНА ҲАЁТ КЕЧИРГАН ҲУКМДОРНИНГ ЎҒЛИ ҲАМ ТАБИИЙКИ, БОЛАЛИКДАН БИЛИМЛИ ВА ДОНО БЎЛИБ УЛҒАЙДИ.

Амир Шохмурод 1800 йилда вафот этганидан сўнг унинг ўғли амир Хайдар валиахд сифатида тахтга ўтиради. Отаси даврида Қаршининг ҳокими бўлган амир Хайдар оқ кигизга ўтказилиб хон этиб кўтарилади. Аммо Хайдар хон унвонини эмас, балки “амир ал-мўминин” унвонини олади. Манбаларга кўра, хутба амир Хайдар номига ўқилган бўлса-да, тангалар амир Хайдар, амир Шохмурод ва Дониёлбий номларидан зарб этилган.

Отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилган амир Хайдар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро ҳудудининг бутунлигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори оқими ҳудудлари, Шаҳрисабз, Миёнқол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун курашлар олиб боради. Уратепани вақтинча ўзига бўйсундиришга эришади.

Амир Хайдар даврида Хива хонлари амирлик ҳудудларига тез-тез талончилик урушлари қилиб турардилар. 1806 йилда амир Хайдар бутун Бухоро аҳлини қуролланишга ва Хива

хони Элтузарга қарши курашишга чақиради ҳамда уларни мағлубиятга учратиш, амирлик ҳудудларидан ҳайдаб чиқаришга эришади. Бу урушлардан сўнг Бухоро билан Қўқон ўртасида урушлар бошланиб кетади. Қўқон хони Олимхон 1807-1810 йилларда Ўратепага ҳужумлар қилиб, катта ўлжаларни Қўқонга олиб кетади. Бундай ҳужумлар Қўқон хони томонидан Жиззах ва Зоминга ҳам уюштириб турилади.

Доимий равишда олиб борилган уруш ҳаракатлари катта харажатларни талаб этгани боис, амир Хайдар қўшимча солиқлар йиғиш ҳақида фармон беради. Бу эса меҳнаткаш аҳоли аҳволини янада оғирлашишга ва амир Хайдар ҳамда у олиб бораётган сиёсатга қарши чиқишларга олиб келади. Мана шундай қўзғолонлар 1821-1825 йилларда Миёнқол, Самарқанд ва Ургутда бўлиб ўтади. Амир Хайдар бу қўзғолонларни катта қийинчиликлар билан, қўзғолончиларга катта ваъдалар бериш эвазига бостиришга эришади. Шаҳрисабз ва Марв воҳаси учун ҳам Амир Хайдар урушлар олиб боришга мажбур бўлади.

Ўз даврида Амир Хайдар қўшни Афғон давлати ҳукмдори Шужоъ ал-мулк

Дурроний билан дўстлик алоқаларини ўрнатган бўлса-да, Қўқон ва Хива давлатлари билан Бухоро давлати ўртасидаги муносабатлар кескин эди. Манбаларга кўра, шундай шароитда амир Хайдар ҳатто Туркия султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат этган ва унинг итоатига ўтишга ҳам тайёр эканлигини ҳам маълум қилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг ҳукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик ҳукм сурди. Асосан марказ ва вилоятлар ҳамда кечагина вилоят мақомида бўлган, эндиликда алоҳида сиёсий бирлик — хонликка айланган Хива ва Қўқон билан қарама-қаршиликлар авжига чиқади. Бунинг оқибатида мамлакатда ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва қўзғолонлар бўлиб туради. Миёнқол, Шаҳрисабз, Карки, Марвдаги маҳаллий кучлар яна ўз бошимчалик қила бошлайдилар. Чунончи, Марвни бошқариб турган амирнинг укаси Динносирбек Хива хони Элтузар кўмагига ишониб, бош кўтаради. Амир Хайдар учун бу ниҳоятда хавфли ҳолат эди. Чунки, бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйин эгмаслиги эмас, балки расмий сулола намояндасининг минтақадаги рақиблардан – хиваликлар билан тил бириктириб, олий тахтга қарши ҳаракати эди. Шунинг учун ҳам Амир Хайдар унга қарши лашкар тортади. Динносирбек бас келолмай Машҳадга қочади. Шохмурод даврида бўлганидек Амир Хайдар

Марвни эгаллагач, маҳаллий аҳолининг бир қисмини Зарафшон водийсига кўчиртириб, бу ерга туркманларни ўрнаштиради.

Бухородаги ички зиддиятлардан Хива хонлиги бундан кейин ҳам фойдаланишга кўп уринган. Хусусан, Динносирбекка ёрдам бериш баҳонасида Бухоро амирлиги ҳудудига кириб борган Элтузархондан сўнг 1821-1825 йиллари Амир Хайдар Миёнқолда хитой-қипчоқлар исёнини бостириш билан овворалигида хиваликлар Чоржўй ва Марвга ҳарбий юриш уюштирадilar. Ўшанда хиваликлар, ҳатто Марвни забт этишга ҳам муваффақ бўлганлар. Бунгача ҳам амирлиқнинг Шарқий қисмида анча йўқотишлар ва ўзгаришлар бўлган. Масалан, Қўқон ҳукмдорлари 1805 йили Хўжандни, 1809 йили Тошкентни, 1816 йил эса Туркистонни ишғол этиб, хонлик доирасига киритадилар. 1806-1813 йиллари Ўратепа, 1806 йили Жиззах, 1821 йили Самарқандга таҳдид солганлар. Хуллас, Амир Хайдар ҳукмронлиги анча таҳликали бўлиб, марказий ҳокимият қудрати бир қадар сусайган.

Сиёсий вазият кескин, ташқи ва ички таҳдидлар даврида ҳукмронлик қилган бўлса-да, Амир Хайдар мамлакат ривожини учун ҳам бир қанча ислохотларни амалга оширган. Хусусан, сарой тарихчиси Мирза Абдулазим Сомий ўз асарида Амир Хайдар ҳақида “саховатпеша, олим ва одил подшо эди. Барча илмлардан етарлича хабардор бўлиб,

илм ила шуғулланган пайтларида қори, давлат ила бандлигига қарамай, илми илоҳиётни ўрганмоқда бўлган толиб-ул илмларга сабоқ берар ва шогирдларининг давраси минг кишидан кам бўлмасди”, деб ёзади.

Бухоро амирлигига Амир Хайдар вафотидан 6 йил ўтиб келган инглиз ҳарбийи Александр Бёрнс у ҳақда “Кундаликлари” да шундай ёзади: “Амир Хайдар даври диндорлик ва диний ғайрат даври бўлган. У “Амир ал-мўминин” ёки “имонилар қўмондони” номини олди. У фақат подшоҳликни эмас, имомлик вазифасини ҳам бажарди. Оламдан ўтганлар ҳақида Қуръон тиловат қилди ва мадрасаларда дарс берди”. У Амир Хайдар давридаги мадраса таълими хусусида ҳам қимматли маълумотлар бериб, Бухоро мадрасаларида Эрондан ташқари барча мамлакатлардан келган талабаларни учратиш мумкинлиги, улар етти ёки саккиз йиллик ўқув курсини тугатиб, ўз ватанларига билим захираси билан қайтиш имкониятларига эга эканликлари ҳақида тўхталиб ўтади.

У ўтказган ислохотларига кўра, амирликдаги барча фуқаролар учун зарурий умумий таълим жорий этилган. Амирлиқнинг тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолиси учун давлат хазинасидан мактаблар қурдириб, у ерда дарс бериш учун Бухоро шаҳридан муаллимлар жўнатилган. Муаллимлар билан бирга таълим тизимини ташкиллаштириш, дарсликлар, ўқув қуроллари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун саройнинг нуфузли амалдорлари ҳам юборилган. Амир Хайдарнинг ўзи фиксҳга оид “Ал-фавоид ал-алфия” номи асар ҳам ёзган.

Амир Хайдар 1826 йилда вафот этганидан сўнг унинг иккита- катта ўғли амир Ҳусайн икки ярим ой ва амир Умар тўрт ой муддат тахтга ўтириб, ўз укалари Насрулло томонидан ўлдирилади. Шундан сўнг тахтга амир Хайдарнинг учинчи ўғли Насрулло ўтиради.

**Маматқобил
ЭСОНТУРДИЕВ,
Чирчиқ давлат
педагогика
университети
ўқитувчиси**



ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида Қозоғистон Республикаси ИИБ Қарағанди академияси курсантлари учун академик мобиллик курси ташкил этилди. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўлди.

Академик мобиллик курси давомида қозоғистонлик курсантларга жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жисмоний тайёргарлик ва спорт, қўриқлашни муҳандислик-техник таъминлаш, махсус-тактик тайёргарлик, жиноий-ҳуқуқий фанлар, ўқ отиш тайёргарлиги, ахборот технологиялари, хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш ҳамда



ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедралари томонидан машғулотлар ўтказилди.

Қозоғистонлик курсантлар, айниқса, махсус-тактик тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, юқори жадалликдаги функционал машқлар, ҳарбий-амалий сузиш, кавалерия тайёргарлиги, криминалистика, психология, Марказий Осиё тарихи каби фанлар юқори даражада таассурот қолдирганлигини маълум қилдилар. Академик мобиллик курси давомида Қарағанди академияси курсантлари учун Тошкент шаҳридаги диққатга сазовор

жойларга экскурсиялар, меҳмонлар шарафига университет оркестри ва бадий жамоатлари концерти, Самарқанд шаҳрига саёҳат, Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари билан миллий таомлар тайёрлаш, бадий кечалар каби маданий-кўнгилочар тадбирлар ҳам ташкил этилди.

Машғулотлар, тадбирлар ва экскурсиялар давомида делегация аъзоларига “Хорижий ҳарбий кадрлар билан ишлаш” факультети шахсий таркиби билан бир қаторда, Қозоғистон Республикаси ИИБ Қарағанди академиясига юборилиши режалаштирилаётган курсантлар ҳам иштирок этдилар. Академик мобиллик курси доирасида, паритет асосида Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари яқин орада Қозоғистон Республикаси Қарағанди академиясига юборилиши ҳақида келишиб олинди.

**Жамоат хавфсизлиги
университети Ахборот
хизмати**

ЗАМОНАВИЙ ҚЎРИҚЛОВНИНГ ЎРНИ

Яшнобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда туман Қўриқлаш бўлими томонидан “Жўрабек” маҳалласида навбатдаги профилактик тадбир ташкил этилди. Унда асосий эътибор ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли хонадонлари ва тадбиркорлик субъектларини техник қўриқлаш тизимига улаш борасидаги тушунчаларни янада оширишга қаратилди.

Тадбир давомида маҳалла фуқаролари ва тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг хонадонлари ҳамда тижорат объектларини замонавий техник қўриқлаш воситалари орқали химоялашнинг афзалликлари ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Соҳа мутахассислари томонидан техник қўриқлаш тизимларини ўрнатиш тартиби, уларнинг самарадорлиги ва хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ҳақида батафсил тавсиялар тақдим этилди.

Мазкур профилактик тадбирлар келгусида ҳам

изчил давом эттирилиши белгиланган бўлиб, бу маҳаллаларда тинчлик, осойишталик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**К.А.ОРАЗТАЕВА,
Тошкент шаҳар Қўриқлаш
бошқармаси
Ахборот хизмати бошлиғи,
подполковник**



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

(13.06.2025 — 20.06.2025)



Қўй (21 март — 20 апрель)

Мазкур ҳафтада режалаштирган барча ишларингиз кўнгилдагидек кетмаслиги мумкин. Айрим одамлардан ҳафсалангиз пир бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Бироқ муаммоларингиз тез орада ечим топишини унутиб қўйманг.



Бурж (21 апрель — 20 май)

Бу ҳафтада айрим масалаларда ёрдам сўраб, дўстларингиз ва яқинларингизга муурожаат қилишингиз мумкин. Юзага келган ёқимсиз муаммоларни уларнинг ёрдамида енгиб ўтасиз. Шу боисдан сизни қийнаётган муаммолар ҳақида уларга айтишдан уялманг.



Эгизаклар (21 май — 21 июнь)

Эгизак буржи остида таваллуд топганлар кутилаётган ҳафтада майда муаммолар билан эмас катта ишлар билан машғул бўлганлари маъқул. Қийинчиликлар қаршисида қўрқувга тушманг. Бу ҳафтада ўзингизнинг қанчалар қатъиятли эканлигингизни намойиш қилишга тўғри келади.



Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)

Мазкур ҳафта қисқичбақа буржи остида таваллуд топган инсонлар учун бошқа ҳафталардан унчалик ҳам фарқ қилмаслиги мумкин. Бу эса келгусидаги режаларингизни тартибга солиб чиқиш учун аини муддао. Фантазияга эрк беринг!



Арслон (23 июль — 22 август)

Юлдузлар бу ҳафтада арслон буржи вакилларига техник воситалардан имкон қадар кўпроқ фойдаланишни тавсия қилмоқда. Бу сизни жуда кўплаб юмушлардан озод қилади ва қимматбаҳо вақтингизни тежашга ёрдам беради.



Сунбула (23 август — 23 сентябрь)

Кутилаётган ҳафтада ижодий ишлар билан шуғулланиш сизга ўзингиздаги ажойиб қобилиятини кашф қилишга имкон беради. Натижада, мураккаб муаммоларнинг оригинал ечимларини топа бошлайсиз.



Тарози (24 сентябрь — 23 октябрь)

Юлдузлар бу ҳафтада тарози буржи остида туғилган инсонлар учун ажойиб имкониятлар тақдим этилишини башорат қилишмоқда. Даромадли ишга қўл уришингиз мумкин. Бу тарози буржининг ижодий фаолият билан шуғулланувчи вакилларига ҳам бирдай тегишли.



Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)

Мазкур ҳафтада йирик лойиҳаларингиздан бири ўз якунига етади. Унинг учун сарф этган куч-қувватингиз, вақтингиз ва меҳрингиз ўз меvasини бера бошлайди. Сизни табриклаймиз! Олдинда сизни бундан ҳам ёқимли ҳодисалар кутмоқда.



Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)

Айни кунларда руҳий тарқоқликдан азият чекаётган бўлишингиз мумкин. Юлдузлар бу муаммодан қутулиш учун, энг аввало, атрофингиздаги ҳудудни, хусусан, уйингиз ва иш жойингизни тартибга келтириб олишни маслаҳат беришмоқда.



Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)

Яхшилик қилиш истаги қалбингизнинг қанчалар пок эканидан дарак беради. Бироқ оқкўнгиллик баъзан сизга қарши ишлаши мумкин. Душманларингиз ушбу жиҳатдан ўз мақсадларида фойдаланишларига йўл қўйманг.



Қовға (21 январь — 18 февраль)

Юлдузлар мазкур ҳафтада қовға буржи остида таваллуд топган инсонларга ҳар қандай ҳолатга тайёр туришни тавсия қилмоқдалар. Диққат-эътиборингизни бир ерга жамлашга ҳаракат қилинг, асосий эътиборни ишингизга қаратинг.



Балиқ (19 февраль — 20 март)

Кутилаётган ҳафтада ҳаёлингизни чалғитувчи кўплаб муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Ўзгаришни истасангиз, ҳаракатни энг аввал ўзингиздан бошланг. Ана шунда муаммоларни енгиб ўтишингиз ҳам осонлашади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
ходимларининг
ИНТИЗОМ УСТАВИ

8-боб. Бошлиқнинг ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш

61. Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан ғайриқонуний ёки ноҳақ ҳаракатлари юзасидан юқори турувчи раҳбарият ёки хизмат жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли.

62. Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбарият ушбу мурожаатни беш кун муддатда ваколатли идорага юборади.

63. Юқори турувчи раҳбариятга ёки хизмат жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига қонунчиликни бузиш ҳолатлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлинганлиги ҳақида мурожаат этгани учун қўл остидаги ходимни таъқиб этган бошлиқ интизомий тартибда жавобгарликка тортилади (агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса).



64. Ходимларнинг шикояти бир ойгача бўлган муддатда ҳал этилади, қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса зудлик билан, бироқ келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқилади.

65. Қасддан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ҚОНУНИЙ ТАЛАБНИ БАЖАРМАГАНЛИК
УЧУН ЖАРИМА МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

Сўнгги вақтларда ички ишлар органлари (ИИО) ва Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик ҳолатлари ортгани таъкидланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига куйидагича ўзгаришлар киритилиши кутилмоқда:

— ИИО ва Миллий гвардия ходимининг қонуний талабларини бажармаганлиги учун БҲМ 5-12 баравари миқдорида жарима (амалда 1 баравари);

— худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда БҲМ 12-30 баравари миқдорида жарима (амалда 15 баравари) ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоқ.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланиб, имзолаш учун президентга юборилди.

Соҳибқирон ҳикматлари

**ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАН
МАЪЛУМКИ, АМИР ТЕМУР
МАРД ВА САДОҚАТЛИ
АСКАРЛАРНИ ЖУДА
ҚАДРЛАГАН. АЙНИҚСА,
ЁШИ УЛУҒ, КЕКСА
НАВКАРЛАРНИ ХУРМАТИНИ
ЎЗ ЎРНИГА ҚЎЙГАН.**

Жангларда мардлик кўрсатган аскарларни мартабаси ва маошлари оширилган. Бу ҳақда “Темур тузуқлари” да куйидаги фикр баён этилган:

“Амир қилдимки, қайси бир амир ёки навкарнинг менинг давлатим учун хизмати сингани аниқ бўлса, ғаним лашкарини синдирган ёки (кўзга

НАВКАРЛАРНИ
қадрлаган саркарда

кўрингудек) қилич чопқилашган бўлса, унинг хизматини тақдирлаб, ҳақини адо қилсинлар. Ёши улуғ, кекса сипоҳийларни хурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар... Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар”.

Маълумотларга кўра, 1393 йил ёзида бир гуруҳ ироқлик савдогарлар Амир Темурга мактуб йўллаб, ўзларини қароқчилардан ҳимоя қилишларини сўрайдилар. Қароқчилар билан бўлган жангда Амир Темур навкарларидан бири, мард ва жасур Аббос Усмон оғир яраланади. Ана шу биргина жангчининг соғайиши учун Амир Темур ўз хазинасидан кунига минг динар кепакий олтин сарфлаган.

Яна шуни

қайд қилиш керакки, ҳар қандай шароитда ҳам Амир Темур адолат мезонига амал қилиб, ботир ва жасур жангчиларга нисбатан тантилик билдириб, ўз хурматини изҳор этган. Ҳатто ўз рақибларидан бўлса ҳам мард ва довурак жангчиларга самимий равишда иззат-икромини билдирган. 15 асрда яшаган араб тарихчиси Ибн Тағриберди ёзишича, Суриянинг Халаб шаҳри муҳосараси пайтида Амир Темур аскарларига қарши амир Азиддин Аздамирнинг ўғли Яшбек ибн Аздамир катта матонат билан мардонавор жанг қилган. Сўнгра у танасининг кўп жойларидан жароҳат олиб, Амир Темур кўшинларига асир тушади. Яшбекни Амир Темур ҳузурига олиб келтирилганларида, унинг танасидаги кўп сонли (фақат бошининг ўзидан ўттиз жойидан жароҳатланганди) яраларини кўриб, Соҳибқирон жангчининг матонат ва жасоратига ғоятда қойил қолиб, ўз табибларига уни тезда даволаб тузатишларини буюрган.



Ижтимоий-ҳуқуқий ва
маърифий газета

**МУАССИС:
“GVARDIYA”
масъулияти чекланган
жамияти**

Ҳамкоримиз:
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси.

Таҳририят кенгаши:
полковник С.Д.Мамаюсупов
полковник М.Ж.Ғаниев
полковник З.Алимов
полковник Д.Жуманазаров
полковник И.Маҳмудов
полковник И.Турғунов
подполковник Б.Жумаев
подполковник Б.Зокиров
подполковник Б.Қосимов
капитан С.Улуғбеков

**Бош муҳаррир
Чорихон ҚОСИМОВ**

Масъул муҳаррир Р.Гуччиев
Адабий муҳаррир Н.Убайдуллаев
Саҳифаловчи А.Маликов

Газета Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигида
2020 йил 2 июнда 1069 рақам
билан рўйхатга олинган.

“GVARDIYA” газетаси ва
“O‘ZBEKISTON GVARDIYASI”
журнали бирлашган
таҳририятида саҳифаланди.

Таҳририят манзили:
100000, Тошкент шаҳри
Чилонзор тумани Бунёдкор
кўчаси 42-уй.
Телефонлар:
(99) 537-27-77,
(90) 991-45-35

Босмахонага 2025 йил
12 июнь 13⁰⁰ да топширилди.
Бичими А-3. Ҳажми 2 босма
табоқ. Адади 4200 нусха.
Буюртма № 01

Баҳоси келишилган нарҳда.

**Газета жума куни
чоп этилади.**

Газетадаги мақолалардан тўлиқ
ёки қисман фойдаланилганда
“GVARDIYA” газетасидан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқ қилиши
мумкин.

Обуна индекси: 125

“OLTIN-NASHR” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:

Тошкент ш, Бунёдкор кўчаси, 42.
Тел.: 97-735-11-88